

382

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

№ 5205240200-3

2015 йил « 7 » 01



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирининг 2015 йил « 2 »  
2016 даги « 32 » сонли  
буйруғи билан тасдиқланган

**ТИББИЁТ ПСИХОЛОГИЯ**  
**фанининг**

**ЎҚУВ ДАСТУРИ**

- Билим соҳаси: 200000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқук
- Таълим соҳаси: 210000 – Социология ва психология
- Таълим йўналиши: 5210200 – Психология (умумий психология)

372

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими Ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил 7 “ 01 ” “ 1 ”- сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:**

Тўлаганова Г.К. -Психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди

**Такризчилар:**

Ғозиев Э.Ғ. -Психология кафедраси профессори, психология фанлари доктори

Фарфиева К.А. Тошкент давлат техника университети «Социология ва миллий ғоя» кафедраси доценти, психология фанлари номзоди

Фаннинг ўқув дастури Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-методик кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2014 йил “ 16 ” “ 12 ” даги 6 сонли баённома).

## КИРИШ

Мазкур дастур талабаларни «Тиббиёт психологияси» фанининг асосий шакллари ва унга интегратив ёндашув шаклланишининг методологик хусусиятларини ўрганишга заруратнинг мавжудлиги, инсон онтогенетик ривожланишининг генетик ва физиологик аҳамияти, психик ривожланишнинг меъёри ва патологияси, анормал ривожланиш ва унинг профилактикаси, психотерапевтик таъсир ўтказиш методларини амалга оширишга қаратилганлиги билан характерланади.

## Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари

**Фанни ўқитишнинг мақсади** – талабаларни “Тиббиёт психологияси” - фанининг асосий тушунчалар ва механизмлар, феноменлар, категориялар ва методлари, тиббий психологик билимларнинг таркиб топиши ҳамда клиник предметлар тизимидаги ўрни тўғрисида чуқур, кенг қамровли мустаҳкам билимга эга бўлишга ёрдам бериш.

### Фаннинг вазифалари:

- тиббиёт психологиясида меъёр ва соғломлик билан боғлиқ муаммоларнинг назарий ва амалий жиҳатларини ёритиш;
- патологик материаллар тизимида бир қатор умумпсихологик муаммоларни ҳал қилиш;
- психолог амалий фаолияти учун зарур бўлган янги тиббий психологик муаммони аниқлаштириш;
- беморга муаммони ҳал қилиш муҳимлигининг реал даражаси ҳақида маълумот бериш;
- психолог-котерапевтнинг муаммони ҳал қилиш учун бемор шахсини ўрганиш усуллари;
- бемор муаммосини самарали тарзда ечиш мақсадида аниқ тавсияларни шакллантириш;
- бемор ўз муаммосини ўзи англаб етгач, унга қўшимча амалий ёрдамни жорий этиш ва беморга психопрофилактик йўл-йўриқларни ўргатиш ҳамда психологик-маърифий маълумотларни беришдир.

## Фан бўйича бакалаврнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

### Бакалавр:

- тиббиёт психологиясининг фанлар тизимидаги ўрни, уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида;
- тиббий- психологик тадқиқотларни ташкил этиш, ўтказиш методлари ва унинг воситаларидан фойдалана олиш;
- тиббиёт психологиясининг тизимлари, тамойиллари, механизмлари, категориялари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;

- тиббиёт психологияси назарияси ва методологиясига алоқадор тизимлар, категориялар, механизмлар, қонуниятлар, асосий ҳолатлар;
- инсонларнинг иш қобилиятини ошириш ва функционал ҳолатини оптималлаштиришни билиши ва улардан фойдалана олиши;
- турли хил ҳаётий вазиятларда шахсни ўрганишда тиббиёт психологиясининг ҳар хил усулларини қўллаш;
- тиббий-психологик, ижтимоий-этник ва ёш-педагогик тадқиқотларнинг методларини қўллаш;
- шахснинг билиш жараёнлари хусусиятлари, унинг шахслик хусусиятларини шакллантириш воситаларини қўллаш *қўникмаларига эга бўлиши керак.*

**Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**  
«Тиббиёт психологияси ва психотерапия» ўқув курси психолог-мутахассис тайёрлаш соҳалари билан узвий алоқадорликка эга.

**Фаннинг ишлаб чиқаришдаги ўрни**  
“Тиббиёт психологияси ва психотерапия” фанидан олинган билим қуйидаги соҳаларда фойдаланилади:

а) “Онтогенез психологияси”, “Консультатив психология ва психокоррекция”, “Саломатлик психологияси”, “Девиант хулқ психологияси” фанларининг ўқитилишида;

б) тиббиёт ташкилотларига психологик хизматни жорий қилишда;

в) жаҳон психологиясида “Тиббиёт психологияси ва психотерапия” фанидан қўлга киритилган янгилик ва тажрибаларни чуқурроқ таҳлил қилиш ҳамда уни амалиётга татбиқ этишда;

Ушбу фандан олинган билим қуйидаги даражаларда қўлланилади: мутахассислик, педагогик, клиник психолог.

**Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**  
“Тиббиёт психологияси ва психотерапия” фанини ўқитишда замонавий педагогик технологияларнинг барчаси ўрганилади: шу жумладан, «Кичик гуруҳларда ишлаш методикалари», “Ўйин методикалари”, “Ўқиш ва ёзув”, “Кластер”, “Бумеранг”, “Ақлий ҳужум”, “БББ” технологияси сингари методлари орқали, ҳамда слайдлар мультимедия намойишлари билан ўтказилади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

**Фаннинг назарий машғулоти мазмуни**  
**Тиббиёт психологияси фанининг предмети, вазифалари, тарихи ва аҳамияти**

Тиббиёт психологияси фанининг предмети, вазифалари, тарихи ва аҳамияти. Тиббиёт психологиясининг психология ва тиббиёт фанлари тизимидаги ўрни. Тиббиёт психологияси фанининг даволовчи ва



профилактик йўналишлари. Тиббий-психологик қарашларнинг ривожланиш тарихи. Психика ва миyaning ўзаро алоқадорлик назариялари. Инсон мияс ривожланиш босқичлари ва сўзнинг аҳамияти. Мияда нутк механизмларининг шаклланиши. Мия ва онг.

### **Тиббиёт психологиясининг алоҳида соҳалари**

Замонавий нейропсихологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Патопсихология мустақил фан сифатида. Б.В. Зейгарникнинг патопсихология фани ривожланишидаги ҳиссаси ва ўрни. Психопатология психиатрияни ўқитиш ва психиканинг бузилишлари ҳақидаги таълимот. Клиник психология.

### **Тиббиёт психологияси фанининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи**

Тиббиёт психологиясининг бирламчи манбалари. Тиббиёт психологияси фани ривожланишида шарқ олимларининг хизмати. Гиппократ ва тиббиёт психологияси. И.П. Павловнинг ОНФ таълимоти ва тиббиёт психологияси. ОНФ тўғрисидаги таълимоти ривожланишининг замонавий ҳолати. Нейрофизиология ва ОНФ физиологияси.

### **Классификация ва диагностика. Клиник амалиётда қўлланиладиган методикалар**

Психик бузилишли индивидларни классификациялаш тизими. МКБ – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти классификацияси. ICDH – меҳнат лаёқати йўқотишга сабаб бўлувчи бузилишлар ва касалликлар халқаро классификацияси. DSM – система классификации Америка психиатрик ассоциациясининг классификациялаш тизими. Болалар ва ўсмирлар учун кўптармоқли тизим. Психик бузилишларда диагностик тизим танкиди.

### **Психик саломатлик, психик касаллик, психик бузилишлар**

Касаллик, ёмон кайфият касалнинг роли. Касалликнинг умумий тушунчаси модели сифатида. Касаллик моделининг қўлланилиши. Касаллик ва саломатликни аниқлаш. Касаллик ва саломатлик сабаблари. Бузилишларнинг психологик концепцияси.

### **Бемор психологияси. Касалликнинг ички кўриниши**

Бемор психологияси. Касалликнинг аутопластик тасвири. Касалликка муносабат. Касалликдан қайғуриш. Касалликнинг ички кўриниши. Бемор қайғуришининг амбивалент элементлари. Касаллик культлари. Касалликнинг ички кўринишининг асосланганлиги. Оғрик. Қўрқув ва хавотир. Касалликдан қайғуришининг вақтга боғлиқлиги.

### **Касалликка муносабат типини аниқлаш методикалари (Личко, В.П.Зайцев ва бошқалар)**

В.Н.Мясищевнинг муносабат концепцияси ва унинг тиббиёт психологиясидаги роли. Беморнинг касалликка муносабати. Касалликка муносабат типи классификацияси. Беморнинг ўз касалига муносабатини

ўрганиш сўровномаси. В.П. Зайцевнинг юрак-томир касалликларида беморнинг ўз касалига реакциясини ўрганиш методикаси. Личконинг “Касалликка муносабат типи” методикаси. Тадқиқотларни ўтказиш муолажаси.

### **Психосоматик ва соматопсихик нисбати**

Психосоматоз генезисида “Ўзига ҳослик гипотезаси” психологик омили ва психодинамик концепцияси. Психосоматоз генезисида “Ўзига ҳос эмаслик” психологик –ижтимоий омилининг роли. Психосоматик бузилишларнинг классификацияси (Е. Bleuler бўйича). Психосоматик шахс ва унинг хусусиятлари. Психосоматик бузилишлар ривожланишининг патогенетик механизмлари ва нейрофизиологик илдизлари.

### **Ятропатогени**

Ятропатогениялар тўғрисида тушунча. Ятрогенияларнинг манбалари. Бемор шахси. Тиббиёт ходими шахси ва уларнинг ҳатолари. Тиббий этика масалалари. Шифокорлик сирини сақлаш. Бемор ва шифокорнинг ўзаро муносабатлари. Бемор ва ҳамширанинг ўзаро муносабатлари. Касбий психик деформация.

### **Юрак-томир касали мавжуд беморлар психологияси**

Юрак-томир касалликларининг клиник турлари. Юрак-томир касалликлари ривожланиши, кечиши ва уларни даволашда психологик омилларнинг роли. Юрак-томир тизими функционал бузилишлари. Томир дистониясида психосоматик бузилишлар. Инфаркт миокард ва юрак ишемик касаллиги мавжуд беморларнинг психопатологик кўринишлари. Кардиологик касалларнинг турмуш сифатини баҳолаш.

### **Ошқозон-ичак касалликларида беморларнинг психологик хусусиятлари**

Ҳазм қилиш аъзолари касаллигининг клиник жиҳатдан турли-туманлиги. Ҳазм қилиш аъзолари хасталикларининг пайдо бўлиши, кечиши ва даволашда психологик омилларнинг ўрни. 12 бармоқли ичак ва ошқозон яраси касаллигида психосоматик бузилишлар. “Шахснинг ярали типи” тушунчаси. Гастроэнтерологик клиникаларда психолог ишининг ўзига ҳослиги.

### **Эндокрин касалли беморларнинг психологик хусусиятлари**

Эндокрин тизими касалликлари. Эндокрин тизими касалликлари ва уларнинг психологик омиллари. Қалқонсимон беги хасталанган беморларнинг психологик хусусиятлари. Қандли диабет беморлар психологияси. ҚД беморлар турмуш тарзини баҳолаш.

### **Тери касалликлари билан хасталанган беморларнинг психологик хусусиятлари**

Психоген характердаги тери касалликлари. Ўзида тери касали мавжуд беморларнинг реакцияси. Тери касалликлари билан хасталанган беморларнинг ўз касалига муносабатининг ёш хусусиятлари

### **Онкологик беморларнинг психологик хусусиятлари**

Онкологик касалликлар: Этиологияси, патогенези, диагностикаси, кўринишлари ва профилактикаси. Стресс ва рак. Касалликни енгишда инсоннинг психологик заҳиралари. Онкологик беморларнинг турмуш тарзини баҳолаш. Ака-ука Саймонтонларнинг «Соғломликка қайтиш» китоби муҳокамаси.

### **Клиник-психологик интервенция давомийлиги**

Интервенция тадқиқининг асосий тамойиллари. Баҳолаш критерийлари. Йўналтирилган босқич методикаси. Аналогия бўйича тажриба. Синов босқичи методикаси. Метаанализ. Норматив методлар: критериялар каталоги, даволаш бўйича иавсиялар. Амалий назорат методикаси, сифат кафолати.

### **Онг. Онг бузилишлари**

Онг муаммоси ва тиббиёт психологияси. Онг бузилишлари. Сопор. Кома. Онг бузилишлари ва бош мия томир касалликлари. Онг бузилишлари ва соматик касалликлар кечишидаги асоратлар.

### **Мотор бузилишлар**

Мотор бузилишлар: классификация ва диагностика. Мотор бузилишлар этиологияси. Ҳаракатларни бошқариш функцияси. Ҳаракат дастури чақирувининг бузилишлари. Ҳаракатларни бажаришнинг бузилиши.

### **Мотор бузилишлар: интервенция**

Мотор бузилишлари интервенциясига физиотерапевтик ёндашув. Терапияда хулқ-атвор ёндашуви. Поведенческая терапия при Тик ҳолатида хулқ-атвор терапияси. Гиперактив болалар хулқ-атвор терапияси. Психоген бузилишларда хулқ-атвор терапияси. Компенсатор механизмлари султлашуви. Интервенцияга турли ёндашувларни баҳолаш.

### **Идрок бузилишлари**

Идрок бузилишлари: классификация ва диагностикаси. Идрокнинг аҳамияти. Кўришнинг бузилиши. Эшитишнинг бузилиши. Туюшнинг бузилиши. Таъм маза билишнинг бузилиши. Жароҳатнинг жойлашувига кўра идрокнинг бузилиши. Этиологияга кўра идрокнинг бузилиши. Психик бузилишларда идрок бузилишлари.

### **Диққатнинг бузилиши**

Турли хил касалликларда диққатнинг бузилиши. Бош мия томир касалликлари ва диққатнинг бузилиши. ДЕСГда диққатнинг бузилиши..

Диққат бузилишларининг тадқиқот методлари.

### **Хотира бузилишлари**

Хотира бузилишлари: классификация ва диагностикаси. Хотира функцияси ва унинг бузилишлари. А ва В амнезия типлари мисоллар. Амнезия ва эмплит ва имплит хотира. Психик касалликларда хотиранинг бузилишлари. Бош мия томир касалликларида хотира бузилиши. Нарушения памяти при сосудистых заболеваниях головного мозга. Нейропсихологик нуқтаи назардан хотира бузилишлари этиологияси.

### **Тафаккур бузилишлари**

Тафаккур бузилишлари: Этиология, патогенез, клиника ва диагностика. Тафаккур бузилишларининг классификацияси. Муаммони ҳал қилиш лаёқатининг бузилиши. Умумий когнитив бузилишлар. Тафаккурнинг моҳият бузилишлари. Метакогниция, тизимли бошқарув етишмаслиги. Эмоцияларни бошқариш етишмаслиги. Муаммони тушунмаслик. Муаммо ечимига компетентлиликнинг етишмаслиги. Тафаккур бузилишлари ва унинг интервенцияси.

### **Эмоционал бузилишлар**

Эмоционал бузилишлар: классификация ва диагностика. Эмоционал бузилишлар пайдо бўлишининг этиологияси ва унинг таҳлили. Эмоционал бузилишларни қайд этиш. Хавотир. Қайғу. Ғазаб ва бошқа салбий эмоциялар. Хурсандчилик ва бошқа позитив эмоциялар. Эмоционал бузилишлар вужудга келишининг перцептив ва когнитив шарт-шароитлари. Эмоционал бузилишларнинг асоратлари. Фобик бузилишлар. Аффектив бузилишлар.

### **Эмоционал бузилишлар: интервенция**

Сабаб ва сўнишини ҳисобга олган ҳолда таъсир кўрсатиш. Идрок ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда таъсир ўтказиш. оздействия за счет изменения восприятия. Ўзига хос бўлмаган жихатларини ҳисобга олган ҳолда таъсир кўрсатиш. Ахборотларни қайта ишлаш ҳисобига ҳисобига таъсир кўрсатиш. Кутилмадаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда таъсир этиш. Соматик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда таъсир этиш.

### **Мотивацион бузилишлар**

Мотивацион бузилишларнинг классификация ва диагностикаси. Мотивацион бузилишларнинг этиологияси. Мотивацион жараёнлар ва уларнинг бузилиши. Мотивация ўзгаришлари ва хатти-харакатни баҳолаш. Мотивацион бузилишлар ва клиник синдромлар.

### **Уйқу бузилишлари**

Уйқу бузилишлари: Классификация ва диагностикаси. Туш кўришни изохлаш модели. Уйқу бузилишлари пайдо бўлиш шароитлари. Уйқу бузилишлари психик касалликлар ривожланишининг шарти сифатида. Уйқу бузилишларини олдини олиш шартлари.



## **Депрессия**

Депрессия этиологияси, клиникаси ва диагностикаси. Генетик ва психосоциал омиллар. Кризисли ҳаётий ходисалар. Стрессли ва муҳит шароитининг етишмаслиги. Коморбидлиликнинг демографик қирралари. аспекти.

### **Хавотирланиш ва унинг интервенцияси.**

Хавотирланиш этиологияси, патогенези, клиника ва диагностикаси. Меъёр ва патологик хавотирланиш. Фобик бузилишлар. Хавотирланиш ва унинг интервенцияси.

### **Профилактика, соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш**

Соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш профилактикаси. Соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг ўзига хос ва хос бўлмаган профилактикаси. Индивидуал-йўналтирилган ва тизимли –йўналтирилган профилактика. Соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлашнинг профилактик методлари.

### **Перинатологиянинг психологик жиҳатлари**

Перинатал психологиянинг психологик соҳалари. Перинатал психология-психологиянинг алоҳида соҳаси сифатида. Ҳомиладорлик ва туғруқ психологияси. Перинатал давр психологияси. Акушерлик клиникалари ва марказларида психологик иш. Бепуштлиқнинг психологик жиҳатлари. Репродуктив саломатликнинг психологик жабҳалари.

### **Тиббиёт психологиясида психотерапия**

Психотерапия: умумий ёндашувлар ва тизимлаштириш. Психотерапевтик методлар характеристикаси. Пациентдаги ўзгариш фазалари. Барча учун умумий бўлган терапевтик таъсир этиш. Терапиянинг мақсади ва бузилиш модели. Сўзлашиш психотерапияси. Йўналтирилган ва шахслараро тизим. Хулқ-атвор ва эмоцияга йўналтириш. Хулқ-атвор психотерапияси.

### **Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотлари мавзу бўйича режа ва тавсия қилинган адабиётлар асосида ўтказилади. Талаба мустақил тайёргарлик кўриб, тўплаган билимларини дарс вақтида Ҳимоя қилади.

Семинар машғулотларини уюштириш бўйича тавсия қилинадиган тахминий мавзулар:

1. Тиббиёт психологияси фанининг предмети, вазифалари, тарихи ва аҳамияти
2. Классификация ва диагностика. Клиник амалиётда қўлланиладиган методикалар
3. Психик саломатлик, психик касаллик, психик бузилишлар
4. Психосоматик ва соматопсихик нисбати

5. Ятропатогения
6. Юрак-томир касали мавжуд беморлар психологияси
7. Ошқозон-ичак касалликларида беморларнинг психологик хусусиятлари
8. Эндикрин касалли беморларнинг психологик хусусиятлари
9. Тери касалликлари билан хасталанган беморларнинг психологик хусусиятлари.
10. Клиник-психологик интервенциянинг систематикаси
11. Онг ва онг бузилишлари
12. Мотор бузилишлар.
13. Дикқат бузилишлари
14. Билиш жараёнларининг бузилишлари
15. Эмоционал бузилишлар
16. Мотивацион бузилишлар
17. Депрессия ва хавотирланиш
18. Саломатликни сақлаш ва унинг профилактикаси
19. Перинатологиянинг психологик жиҳатлари
20. Тиббиёт психологиясида психотерапия

**Изоҳ:** Мазкур рўйхатдаги мавзулардан семинар машғулоти учун ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил таълимни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- семинар машғулотларга тайёргарлик;
- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъруза қисмини ўзлаштириш;
- махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- талабанинг ўқув, илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти;
- масофавий таълим.

#### **Тавсия этилаётган мустақил таълим мавзулари:**

1. Психогенетика ва тиббиёт психологиясининг масалалари
2. Психоактив моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ бузилишлар
3. Шизофрения: этиология, клиника, диагностика
4. Шизофрения: биохимик ва генетик омиллар
5. Шизофрениaning психосоциал жабҳалари
6. Шизофрения касаллигининг зўрайишида даволаш концепцияси
7. Ҳаётий кризислар ва депрессия
8. Депрессияда психологик даволашни амалга оширишнинг янги самарадор усуллари

9. Хавотирланиш этиологияси ва патогенези
10. Хавотирланиш ва соматик касалликлар
11. Агрофобия ва талваса
12. Социофобиянинг феноменологик ва дифференциал диагнози
13. Хавотирланишда хулқ-атвор терапиясининг умумий стратегияси
14. Хавотирланишга мойиллик профилактикаси
15. Соматоформ конверсион бузилишлар
16. Қариллик билан боғлиқ бузилишлар
17. Депрессив симптоматика диагностикасига оид тестлар
18. Психик ва соматоформ бузилишларни аниқлаш шкаллари
19. Аффектив ривожланиш ва боғланиб қолишлик

*Изоҳ:* Мустақил таълим мавзулари фан бўйича ажратилган соатлар ҳажмига мос ҳолда фойдаланиш тавсия этилади

#### **Дастурнинг информацион –методик таъминоти**

Дастурдаги мавзуларни ўтишда замонавий интерфаол методлардан кенг фойдаланиш, ўқув жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш самарали натижа беради. Бу борада замонавий педагогик технологияларнинг, “Матбуот конференцияси”, “Бумеранг”, “Мунозарали дарс”, “фикрлар жанги”, “Ақлий хужум”, “Думалоқ стол” ҳамда мавзуларга доир слайдлардан фойдаланиш, дидактик ва ролли ўйин усуллари қўллаш назарда тутилади.

#### **Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари**

##### **Рахбарий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-21 жилдлар. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996-2013.
2. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент, “Маънавият”, 2008.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг БМТ Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган Саммити ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 22 сентябрь.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.

##### **Асосий адабиётлар:**

1. Карвасарский Б.Д. Психотерапевтическая энциклопедия. М. 2004
2. Карвасарский Б.Д. Медицинская психология. М. 1998 г.
3. Абрамова Г.С. Психология в медицине. М. 2000.
4. Харди И. Врач, сестра, больной. (Психология работы с больными). Изд. Акад. Наук Венгрии. Будапешт. 1993.
5. Р.Конечный, М.Боухал Психология в медицине. Прага, 1988 г.

6. Ротенберг В.С., Бондаренко С.М. Мозг, обучение и здоровье. М., изд. «Просвещение», 1989.

#### **Кўшимча адабиётлар**

7. Теория и практика медицинской психологии. С.-Петербург, 1994
8. Лоллер Дж. Коэффициент интеллекта, наследственность и расизм. М., Прогресс. 1982
9. Равич-Щербо И.В. Психогенетика человека. М., 1998
- 10.4. Биологическое и социальное в развитии человека. Под ред. Б.Ф.Ломова, М., Наука. 1977
11. Илхамова Д.И. Медицинская психология. Текст лекций. Т. 2012.

#### **Интернетресурслари**

12. [www.koob.ru](http://www.koob.ru)
13. [www.psychology.ru](http://www.psychology.ru)
14. [www.piter.com](http://www.piter.com)
15. [www.twipx.ru](http://www.twipx.ru)